



THE INFLUENCE OF AGRICULTURE ON SOIL FERTILITY AND HARVEST FORMATION.

Mamadalieva Saidakhon Bakhodirbekovna - independent researcher.

Khaizbekova Mukhlisa Mirkomiljon kizi - student

Sodikova Donokhon Mahmudzhon kizi - student

Mamatkulova Ziyodakhon Ikromzhon kizi - student

Mahammadaliev Muhammadsodiq Iqbolzhon ugli-student.

Andijan Institute of Agriculture and Agricultural Technologies

Annotation. Cotton seeds of the UzPITI-201 variety under a transparent film in the second term in two-row and single-row options (options 11-14) by the end of the operation period due to the positive influence of the soil environment under the film, the amount of humus is 0.05-0.03%, in single-row options (options 13-14) - by 0.03%, the number of bolls is 2.2-3.5 compared to thickened options, and the weight of the formed cotton crop in 1 boll is 1.1. It was observed that it increased by -1.5 g.

Keywords. cotton, double-row, single-row black film, mulching, transparent, watering periods, standard, soil, humus, cotton, fiber.

Янги ғўза навларини парваришлашда маъдан ўғитларни қўллаш меъёрлари, усулларини тадқиқ қилиш ва тегишли миңтақага мос тавсиялар ишлаб чиқиши долзарб масала хисобланади. Бу борада қатор олимларнинг кўп йиллик тадқиқотларида тегишли миңтақаларга мос ишлаб чиқилган илмий асосланган ишланмалари муҳим аҳамият қасб этади.

Тупроқда нам танқислигини қоплашга мўлжалланган меъёрлар (мавсумий суғориш меъёри-2122 м³/га, суғориш меъёри 700-730 м³/га) билан ғўза суғорилганда “Хоразм-127” навидан 42,8 ц/га пахта ҳосили олинган ва ишлаб чиқариш (назорат) шароитидаги вариангла нисбатан ҳосилдорлик 6,3 ц/га кўпайганлиги қайд этилган. [2; Б. 31-33].

Сурхондарё вилояти шароитида Бухоро-6 ва Денов навларини мақбул суғориш меъёрларини аниқлаш мақсадида, Бухоро-6 навини тупроқнинг ЧДНС га нисбатан 65-70-60% тупроқ намлигига (1-2-1 тизимида) мавсумда 5477 м³/га меъёрда сув сарфлаб суғорилганда ғўзанинг бўйи 95,7 см ни, ҳосил шохлари 17,4 та ни, кўсаклар сони 13,9 донани, кўчатлар сони гектарига 83,7 минг туп/га ни ташкил қилган холда ўртача уч йилда 39,8 ц/га пахта ҳосили етиштиришга эришилган.[4; Б. 11-12].

Самарқанд вилояти шароитида Бухоро-102 ғўза навини тупроқни суғориш олдидан намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60 % бўлганда ғўза навида нам етишмаганлиги сезилган ва бу пахта ҳосилдорлигига салбий таъсир этганлигини таъкидлаган. Бу ғўза навини ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартибда 1-3-1 суғориш тизимида, мавсумда 4935 м³/га сув сарфлаб ҳамда N200; P140; K100 кг/га ўғит берилганда юқори пахта ҳосили (38,4 ц/га) олинган.[3; Б. 17-18]

Сурхондарё вилояти Сурхон-Шеробод воҳасининг тақирисимон ва тақир-ўтлоқ тупроқлари шароитида олиб борган изланишларида ўрта толали ғўзанинг “Наманганд-77”, “Бухоро-6” ва қурғоқчиликка чидамли “Денов” навлари экишни, ҳар гектар майдонга тупроқ унумдорлигини хисобга олиб, 80-100 минг туп кўчат қолдиришни, ўғитларни NPK-200-250, 140-175, 100-125 кг/га меъёрларда қўллашни тавсия қилинган. [1; Б. 152-154].

Тажриба тизими ва тадқиқот ўтказиши услублари



Тажриба Андижон вилояти ПСУАТИ нинг Андижон тажриба хўжалигига ўтказилди. Тажриба даласи эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқ. Тажриба 14 вариантдан иборат бўлиб, 3 қайтариқда бир ярусда жойлашган.

Барча таҳлиллар ЎзПИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) асосида олиб борилди. Барча агрофизик ва агрокимёвий таҳлиллар “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” (1963) услублари асосида олиб борилди. Тажриба маълумотлари Б.А.Доспеховнинг (1985) “Методика полевого опыта” услуби асосида математик таҳлил қилинди.

ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ

Тадқиқот натижаларининг ўртача 3 йиллик маълумотларига қараганда, ЎзПИТИ-201 ўзи навини чигитлари иккинчи муддатда шаффоф плёнка остига қўшқатор ва якка қатор экилган варианtlарда (11-14-вариантлар) амал даврини бошида 0-30 см тупроқ ҳайдов қатламида гумус микдори 0,693 % ни ташкил этган холда, амал даврини охирига келиб юқорида таъкидлаб ўтилган плёнка остидаги тупроқ муҳитининг ижобий таъсирида чигитлар қўш қатор экилган варианtlарда (11-12-вариантлар) гумус микдори 0,05-0,03 % га, якка қатор экилган варианtlарда (13-14-вариантлар) 0,03 % га ошганлиги кузатилди.

Чигитлар шаффоф плёнка остига қўшқатор ва якка қатор экилган варианtlарда мавсумда 4 марта сув қўйилиб, $2538 \text{ m}^3/\text{га}$ сув сарфланди. Ёки, чигитлар одатдаги очиқ усулда экилган варианtlарга нисбатан 7-10 кун кейин сув қўйилди. Бошқача айтганда суғориш муддатлари 10-15 кунга узайиб, сув сарфини камайиши ҳисобига чигитлар одатдаги усулда экилган назорат варианtlарга нисбатан $1874 \text{ m}^3/\text{га}$ сувни тежаш имконияти яратилиб, ғўзани ўсув давридаги суғоришларида эса 1,5-2,0 сувга қисқариш имконини берди. Айнан шундай қонуниятлар 2017-2018 йилларда ҳам қайд этилиб, 2017 йилги тажрибада 1-экиш муддатида чигитлар шаффоф плёнка остига экилган варианtlарда одатдаги усулда экилган варианtlарга (1-ва 8-вариантлар) нисбатан $2219 \text{ m}^3/\text{га}$, қора плёнкага нисбатан $476 \text{ m}^3/\text{га}$, 2018 йилги тажрибада тегишлича 2386 ва $226 \text{ m}^3/\text{га}$, 2017 йил 2-экиш муддатида эса 2676 ва 509, 2018 йили 2628 ва $402 \text{ m}^3/\text{га}$ сув тежашга эришилди. Суғоришлар сони 1-2 сувга қисқарганлиги, суғоришлар оралиғи 10-15 кунга узайганлиги аниқланди. Хулоса қилиб айтганда, чигитлар шаффоф плёнка остига экилган варианtlарда пленканинг яна бир муҳим жиҳатларини таъкидламоқ жоиз, юқорида таъкидлаб ўтилгандек, плёнка остидаги пушталарда намлиknинг ортиши ҳисобига озиқ моддалар ҳаракатининг тезлашиши таъминланган бўлса, тупроқнинг 0-30 ва 0-70 см қатламларида намлиknинг ўзокроқ сақланиши эвазига, суғориш оралиғлари узайиб борди ва суғориш меърлари назорат варианtgага нисбатан 1,5-2,0 барвар, ғўза қатор ораларига қора плёнка тўшалган варианtlарга нисбатан 1,0-1,5 бараварга камайиши маълум бўлди.

ЎзПИТИ-201 ўзи навини чигитлари пленка остига қўшқатор қилиб экилган, маъдан ўғитларни гектарига NPK-180-125-90 кг/га меъёрларда қўлланган ҳамда ўзи ЧДНС га нисбатан 70-75-60% оптималь тартибда суғорилганда кўчатлар сони ўртача 3 йилда 95,5 ва 155,4 минг туп/га ни ташкил қилган варианtlарнинг (11- ва 12- вариантлар) ҳар бир ўсимлигига ўртача кўчатлар сони сийраклаштирилган варантда (11-вариант) 9,0 дона, кўчатлар сони қалинлаштирилган (12-вариант) вариантда 7,2 донани ташкил этиб, ўзининг



маъдан ўғитларни гектарига NPK-200-140-100 кг/га меъёрларда қўлланган наазорат вариантилари нисбатан 0,5 ва 0,6 донага кўпроқ шаклланди.

Кўсаклар сони нисбатан кам бўлган 12-вариантда кўсакларнинг очилиш сурати кўчатлар сони сийраклаштирилган 11-вариантга нисбатан ҳамдаўзининг маъдан ўғитларни гектарига NPK-200-140-100 кг/га меъёрларда қўлланган наазорат вариантилари нисбатан ҳам 25-30 % га тезлашганлиги кузатилди. Шунингдек, бу вариантиларда кўчатлар сонига боғлиқ равишда 1 дона кўсакда шаклланган пахтасининг вазнида ҳам фарқ қилиб, кўчатлар сони сийраклаштирилган варианти (11-вариант) 5,1 г ташкил қилган бўлса, кўчатлар сони қалинлаштирилган варианти (12-вариант) эса 1,2 г га камайиб, 3,9 г ни ташкил этди .

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозим, кўчатлар сони гектарига 150-155 минг тупгача қалинлаштирилган вариантиларда қаторлардаги ўсимликларнинг қалинлиги туфайли уларнинг бўйи пастроқ бўлиб ўсади. Бунда нимжон ўсимликлар сони кўпайиб шунга мос равишда ҳар бир ўсимликдаги кўсакларнинг сони ҳам камайиши билан бирга 1 дона кўсақда шаклланган пахта вазнининг ҳам камайганлиги кузатилди. Бироқ, бу ҳолат

**Ресурстежовчи технологияларни ЎЗПИТИ-201 ўзга навини кўсакларининг
кўпайишига таъсири, ўртача 3 йиллик .**

Вар. №	Экиш усули	Пуштага экиш	Кўчат сони, минг туп/га	1 сентябрь		
				Кўсак- лар сони, д	Шу жумладан очилгани, д	1 дона кўсак пахтасини вазни, г
Экиш муддати 15-март						
1	Кўш қатор	Очиқ	74,0	9,5	5,2	4,8
2	Кўш қатор	Очиқ	124,2	6,1	3,6	3,9
3	Якка қатор	Қора пленка	75,3	10,5	4,2	4,1
4	Кўш қатор	Шаффоф пленка	84,3	9,1	3,6	3,9
5	Кўш қатор	Шаффоф пленка	133,6	6,5	3,0	3,5
6	Якка қатор	Шаффоф пленка	82,7	9,2	3,2	4,0
7	Якка қатор	Шаффоф пленка	130,7	6,5	3,0	3,5
Экиш муддати 25-март						
8	Кўш қатор	Очиқ	91,3	8,5	3,6	5,0
9	Кўш қатор	Очиқ	145,5	6,6	3,0	3,5
10	Якка қатор	Қора пленка	90,2	9,0	5,4	5,0
11	Кўш қатор	Шаффоф пленка	95,5	9,0	4,5	5,1



12	Кўш қатор	Шаффоф пленка	155,4	7,2	5,5	3,9
13	Якка қатор	Шаффоф пленка	92,2	8,1	4,5	4,6
14	Якка қатор	Шаффоф пленка	153,7	6,1	4,2	3,3

пахта ҳосилдорлигига жиддий таъсири кузатилмади, балки, қўш қаторлардаги барча варианatlарида (9-, 12- ва 14-вариантлар) кўчатлар сони ҳисобига ҳосилдорлик ошиб борди. Кўчатлар сони 90-95 минг туп гача сийраклаштирилган варианtlарда эса аксинча бақувват, баланд бўйли ўсимликлар ривожланиб, кўсаклар сони кўчатлар сони қалинлаштирилган варианtlарга нисбатан 2,2-3,5 донага кўпроқ шаклланди. Шунингдек, 1 дона кўсакда шаклланган пахта ҳосилининг вазни ҳам 1,1-1,5 г га ортганлиги кузатилди. Кўсаклар сони бир ўсимлик ҳисобига кўчатлар қалинлаштирилган варианtlарга нисбатан кўпайган бўлсада, умумий ҳосилдорликда орқада қолди (10-,12-,14-вариантлар).

Чигитлар шаффоф плёнка остига якка қатор экилган 92,2 минг туп/га ва 153,7 минг/туп га кўчат қалинликларида ўсимликларда шаклланган кўсаклар сони ва бир дона кўсақда шаклланган пахта ҳосили шаффоф плёнка остига қўшқатор экилган варианtlарга нисбатан 0,9 ва 1,1 донага камайганлиги кузатилди. Кўчатлар сони қалинлаштирилган 14-вариантдаги ўсимликларнинг эса 1 дона кўсакдаги пахта вазни 3,3 г вазнни ташкил қилиб, энг енгил кўсаклардан иборат бўлди ..

ЎзПИТИ-201 фўза навини чигитларни сув ва ресурстежовчи тенологияда шаффоф плёнка остига 95,5 ва 155,4 минг туп/га кўчат қалинлигига маъдан ўғитларни йиллик меъёрини 10-15 % га камайтириб гектарига NPK-180-125-90 кг/га меъёрларда қўлланган варианtlарда кўсакларнинг кўпайиши бўйича маъдан ўғитларни гектарига NPK-200-140-100 кг/га меъёрларда қўлланган наазорат варианtlарига нисбатан энг юқори натижалар олинди.

Адабиётлар.

1. Авлиёқулов А., Дурдиев Н., Авлиёқулов М., Бойназаров О.-Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантириш истикболлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами (2-қисм). Тошкент 2014 йил. 152-154-бет.
2. Исаев Р., Рашидова Д., Мамедов Н. Кўчат сонининг уруғлик пахта ҳосилдорлиги, кўсак йириклиги ва чигит вазнига таъсири. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2009 й. №4 Б. 9-10.
3. Шукуруллаев Х.. “Бухоро-6 навининг марказий иқлим ўтлоқ-аллювиал ҳамда оч тусли бўз тупроқларида сув-озуқа меъёрлари истемоли ва уларни суғориш тартиби”. АгроИлим журнали 1(9)сон, 2009 йил. 17-18 бет.
4. Янгибоев А. “Сувни тежаб суғориш пахта ҳосилдорлигини оширади”. АгроИлим журнали. №1. Тошкент 2009. Б. 11-12.